

ЯХЁ ТОҒА

ФАХРИЁНА




**ТОШКЕНТ,
“ИСТИҚЛОЛ” – 2009**

84(57)6-5 ўзб. араб.

Таниқли шоир Яҳё Тоғанинг қатор китоблари чоп этилган, қатор шеърлари аллақачон эл кўнглидан жой олган. “Кўрғончалик камтарин” шоиримизнинг бул жажжи баёзидан ўрин олган сал чани, сал жайдари, сал ҳазин, сал ҳазил аралаш, сал янги — назм намуналари ҳам мухлисларини хушнуд этади, деган умиддамиз.

НО 35-370
121

Муаллиф ушбу тўпламнинг чоп этилишида бош-қош бўлган, ҳомийлик қилган барча биродарларига, хусусан: Фазлиддин Низомиддин, Миркомил Султон, Валерий Пановларга чуқур миннатдорчилик билдиради.



ISBN 978-9943-338-63-0

© Яҳё Тоға.

© «Истиқлол нашриети», 2009 йил.

ҲУМО НИДОСИ

Ҳилпираётган,
Чирқираётган,
Чинқираётган,
Бул ғурурга
Сира қулоқ
Тутмагансан, чоғи?!

Нималар деб,
Ҳилпираяпти,
Чинқираяпти,
Чирқираяпти
Қадим юртнинг
Янги байроғи?

Бир қулоқ ос,
Навқирон қасос!

1993

ФАХРИЁНА

(бир вилоят миқёсида)

*Равшан билан Муҳаббатга,
Абдуқоюм билан Мағфиратга ва
вилоятдаги барча жиянларимга
бағишлайман.*

— 1 —

Тошкент — она шаҳрим, Ўрдам, Себзорим,
Бўстонликдан отар саҳарларим бор.
Бўка-ю Бекобод, Янгибозорим,
Чирчиқ, Келес — деган шаҳарларим бор.

Яйдоқ кездим Зангиота-ю Дўрмонда,
Ҳамдард топдим Қибрайда, Байтқўрғонда.
Фазалкент, Олмалиқ, Оҳангаронда,
Паркентда ҳам дўсту дигарларим бор.

— 2 —

Минг шукур-ким, мени этиб қўймас хор,
Юлдуз Қўрғон деган гузарларим бор.
Дам уролмас “Зангор тепа¹”мга ағёр,
Шарт бўлса, ёв уйин бузарларим бор.

¹ Тошкент вилоятидаги тарихий тепалик

Мен ҳам уларнинг ҳар қорига шайман,
То тирик эканман, алқаб яшайман.
Қурғонча, Мўлкент, Гул, Қизона, Найман¹ —
Қўй сўйиб, дастурхон тузарларим бор.

Жигарларим бошга кутарар, албат,
Сув, десам, тўрт синглим тутади шарбат.
Учта укам бордим алпомишкелбат —
Ушлаган жойини узарларим бор.

Фарзандларим бири биридан ширин,
Дилнозам сақлайди онасин сиριν.
Озодбек, Улуғбек ва Баҳодирим —
Ҳайт! десам, ҳаммадан ўзарларим бор.

Қуйи-Чирчиқ — юртим, қаддингни тут роз,
Парвозларга чоғлан, қанотингни ёз.
Оққўрғон, Тўйтепа, Янгийўл, Чиноз —
Менга мадад қўлин чўзарларим бор.

—3—

Фалат феълим бордир далли, мастона,
Гоҳ ўзим чироқман, ўзим парвона.
Фароғат истасам гоҳо, пинҳона
Қош қоқиб, кўзини сузарларим бор.

¹ Қишлоқлар

Бир гунча очилар, бир япроқ сўлар,
Яҳё, пошшо дилинг гурурга тўлар.
Шукур-ким, пойига йиқилса бўлар —
“Оқ чангал”³ ва “Қора мазор”⁴ларим бор!

1999

ЖАННАТГА ЙЎЛ

*“...Жаннатнинг ҳиди уфуриб
турганлиги боис, болалар уларни
яхши кўришади”.*

Ҳожи Анвар қори ваъзларидан

Бобом болаларни яхши кўрарди.

Болалар бобомни...

Ўрис, карис, ўзбек, қозоқ болалар,

Оқу сариқ, қора-қуроқ болалар.

Кўш ғилдиракли эшак арава кўча бошида
пайдо бўлиши билан, ёш болалар чувиллашиб уни
ўраб олишарди:

“Бабай, бабай,

Денги давай...”

Фақат битта болакай бобомдан қўшиқ сў-
рарди: — Бабай, битта ашула айтиб беринг.

³ 4 Қабристонлар

“Бабай” эшагининг бошини бўш қўйиб, оп-поқ, парқу соқолини селкиллатганча, хирқироқ овозда хиргойи бошларди:

– Айтаман, айт деганда,
Нени айтаман?
Яратган худойдан бошқа
Нени айтаман...

Болаларга ўғринча мушт ўқталиб “кубанка тоға” ўтиб қоларди:

– Ассалому-алайкум, Тоғай оқсоқол.
– Ва-алайкум ассалом ва роҳматуллоҳ...

Қўш гилдиракли “Урал” физиллайди.

Болалар безиллайди.

Кейин... болалар бир-бир сакраб тушиб қолаверар... Бобомнинг қўҳна араваси эса силкина-силкина мангулик сари кетаверарди.

Эски гилдираклар гичирлаб, қадим қўшиққа жўр бўларди:

“Айтаман, айт деганда,
Нени айтаман?
Яратган худойдан бошқа
Нени айтаман...”

2004

АСКАР УКАМ

*Укаларим Абдуғафур, Абдуманноф,
Абдурасул ва уларнинг синфдош,
қуролдош дўстларига бағишлайман.*

Кўргончанинг қизлари
Кўйнингга анор солсин.
Билагини буйнингга
Уялиб ул ёр солсин.

Отасидан пинҳона
Сен учун дўппи тиккан,
Кашта терган қўлларда
Ип толсин, игна толсин.

Соғинчдан ёна-ёна
Мактуб битган бармоқлар,
Қайтганингда қувончдан
Майин титроқда қолсин.

Ўтиб икки йилинг ҳам,
Кўзойдин айтиб бир кун
Энг сулув қиз онангдан
Ҳадя – суюнчи олсин.

Сен келарда йўлингга
Чиқиб ҳаммадан олдин,
Гўзал қизлар кўйнингга
Олма-ю анор солсин.

1983

ДАДАМ ҲАҚИДА ҚАСИДА

Дадам Умрзоқ Тоғай ўғлига бағишлов

*Қасида дадам ҳали ҳаётликларида
битилган эрди, ўқиб қувонгандилар.
Онам сал ранжиган бўлувдилар: “Сал
ошириб юборибсан, даданг қуваликни
билмайдилар...”*

Онам ҳақ.

*Лекин, энди бул асар ул улуғ зот
ҳақида ХОТИРА бўлиб қолди.*

— 1 —

Кўнгли дарё дадам, бағри сув дадам,
Оппоқ соқоллари бир парқу дадам.
Етмишга чиқдилар онамни алдаб,
Менинг содда дадам, менинг қув дадам.

Дунёни назарга илмаган дадам,
Элига хиёнат қилмаган дадам.
Отасин урушга жўнатиб қўйиб,
Оқ нон нималигин билмаган дадам.

Бугун тўй.
Дадамнинг пешанаси дўнг,
Қувончдан дунёга сифмаса керак...
Ҳали... меҳмонларни кузатганнан сўнг,
Бостирма остида йиғласа керак?!

Бугун тўй.
Келинлар, қизлар хизматда,
Ўғиллар қаторда туришар нордай.
Тўхтасин тоғам ҳам мана иззатда,
Янгам ювган яктак ярқирар қордай.

Туққан бўласини қутламоқ бўлиб,
Ислон бўлам келар кўкраги тўлиб.
Ҳасадмас, ҳавасдан баданга сиғмай
Қуда, қудағайлар ўлтирар кулиб.

Фариштадай чоллар бўлишади жам,
Холхўжа бобомиз эгаллар тўрни.
Рамазон акам йўқ, йўқ Омон акам,
Бу икки азизнинг билинар ўрни.

Лекин, фарзандлари қаторда мана,
Шу қорақўзларнинг борига шукур.
Бири той ясаган, э бири тана,
Оғайин кўрсатган оқибат шудир?

Ҳадя тўнлар келар – одми, ярқироқ,
Битта тўн, икки, уч... ўнта... адашдим.
Ҳисобдан адашиб кетдим-у, бироқ,
Барини тўздиринг, бари ярашсин.

Мол-дунёни кўзга илмаган дадам,
Юртига хиёнат қилмаган дадам.
Қирдан каноп ташиб ўн бир ёшида,
Ёлғон нималигин билмаган дадам.

Бугун тўй.
Дадамнинг ҳамма иши ўнг,
Қувончдан ўзига сиғмаса керак?!
Ҳали... ҳаммамизни кузаттаннан сўнг,
Бирорта дўстига йиғласа керак?!

Қалби дарё дадам, бағри сув дадам,
Ув... дадам, кўзида ёши дув дадам...
Юзга ҳам чиқингиз онамни алдаб,
Менинг доно дадам, менинг қув дадам.

Бошингиз чиқмасин тўйдан буёғи,
Саксону тўқсонни мўлжалланг энди.

Онамнинг этагин қўйманг буёғи,
Бугун бир эркаланг, чўлжангланг энди.

Бугун кўкка етсин кўнгилларингиз,
Азиз пойингизга поёндиз гуллар.

Сизни тавоф қилсин ўғилларингиз —
Фафур, Абдуманноф, Абдурасуллар.

Мағфират айласин яратган эгам,
Муқалдас бу тўйлар Муборак бўлсин.
Муяссар бўлсин-да истаклари ҳам,
Сингилларим, дадам юзларга тўлсин.

Тўй баҳона, авлод бир-бир ёд бўлсин,
Хонадон файзиёб, кўрт обод бўлсин.
Аммам, Зикан бовам, Хайри кампир ва...
Тоғай оқсоқолнинг руҳи шод бўлсин.

Ҳавойи хитоблар бир нафас тинсин,
Олқишу қарсақлар авжига минсин.
Қўли дард кўрмасин чапак чалганнинг,
Шумқадам ўлимнинг оёғи синсин.

Келинг, қарғамайлик бугун ҳеч кимни,
Ҳеч кимнинг дилига бермайлик озор.
Бугун мен ҳам тўлиб кетган ичимни
Бу азиз даврага айлайин бозор.

Мен ҳам қошингизда эгай бошимни,
Нисор бўлсин маним сабил жоним-а.
Бир қизим, уч ўғлим, ёстиқдошимни
Сиз бир дуо қилинг, дадажоним-а.

Гул кўтариб, пиёз кўтариб келган,
Азиз меҳмонлар ҳам саломат бўлсин.

Гоҳо тўлиб келган, гоҳ ғариб келган
Бу дунё ҳам бугун аломат бўлсин.

Дунёни назарга илмаган дадам,
Ватанга хиёнат қилмаган дадам.
Дарвозаси доим кўнглидай очиқ,
Қўрғон нималигин билмаган дадам.

Армонли дунёда беармон бир сиз,
Онам ёнингизда, тегрангизда биз.
Шул ҳуш дамнинг ҳаққин адо эттали,
“Дилхирож”га битта ташлаб берингиз.

Майли, бирга чиқсин онам ҳам хандон,
Ўзи асрасин-эй кўздан, ёмоннан.
“100”талик қистирсин амаки томон,
“50”талик чиқса тоға томоннан.

Куёвлар, жиянлар урсин-а чаппор,
Белбоғу рўмолча улашсин онам.
Сочқилар сочилсин: – Соч, Абдуғаппор,
Гулга тўлсин бугун ота остонам.

Меҳмонлар ҳам маҳтал бўлмасин энди,
Бу қутлуғ давра ҳам Сизга мунтазир.
Мана “Дилхирож” ҳам авжига минди,
Бу ўтлиғ нағма ҳам Сизга мунтазир.

Мол-дунёни кўзга илмаган дадам,
Онамга хиёнат қилмаган дадам.
Икков одам қилиб саккиз фарзандни,
Армон нималигин билмаган дадам.

Бугун тўй.
Дадамнинг орзулари чўнг,
Орзулари ичга сигмаса керак?!
Ҳали... витри вожиб ўқилганнан сўнг,
Жойнамоз устида йиғласа керак?!

Кўнгли дарё дадам, бағри боғ дадам,
Тўйу маъракадан вақти чоғ дадам.
Юздан ҳам ошингиз, ҳаммани алдаб,
Менинг осмон дадам, Тангри тоғ дадам!

P.S. Бағри боғ дадам-эй, кўнгли оқ дадам,
Умри қисқа, исми Умрзоқ дадам...

Илоҳим, қабрингизга раҳмат нурлари ёғилиб,
ётган жойларингиз жаннатнинг нурафшон
боғчаларига айлансин.

Алҳамдулиллаҳи роббил аъламин.

ОМИЙН....

ШАКЛБОЗНИНГ ШУБҲАЛИ ШЕЪРИ

— 1 —

Шомнинг ширин шивири ширдек,
Шикаста шаъм — шамс шамшири.
Шаршарами, шоввами, шердек
Шовуллайдур шоирнинг шеъри:

Шаҳаншоҳнинг шону шавкатин
Шаҳодати Шоҳизиндадур.
Широқлару шайху шаҳидлар
Шажараси, шаъни шундадур.

Шаҳзодалар шайдои шикор,
Шумғиянинг шағоли шодми?
Шармандаи шармисор шаҳар,
Шабистона шаббода шоҳми?

— 2 —

Шошиладур шум шамсиялар,
Шарти шулдир Шуъла ширкатин.
Шом шумқадам, шамол шумхабар,
Шимол шимар Шарқнинг шарбатин.

— 3 —

Шоҳариқнинг шобири шоҳид
Шавқ шукуҳим шарҳлагай шуур.
Шаклланар шахслар, шаксиз,
Шарқираган Шарқимда, шукур!

15.09.90 Шош шаҳри, шанба шоми.

БИР СОАТЛИК ХАЛИФА

(“Актёр ҳаёти” туркумидан)

1. Премъера

Бахтни кўринг, бугун у подшоҳ:
Виқор билан тахтга ўтирди.
Суянчиқни сийпалаб, ногоҳ,
Бармоғига зирапча кирди.

Асарда йўқ ғалати ҳолат,
Антрактгача чидади аранг.
Ўтирди-ю тахтда бир соат,
Кўли қонга бўялди, қаранг.

2. Премъерадан сўнг

Бари жонли, шу баҳонада,
Саҳнага қон тўка кетди у.
Лек, етгунча пардозхонага,
Дурадгорни сўка кетди у.

01.02.03.¹

¹ йўқ, бу фалокат ё ҳалокат чақирув хизматлари эмас, сана, холос. Санаи милодий. Яъни, 2003-йилнинг 1-феврали.

Бошқа шеърлар санасига ҳам жиддийроқ эътибор берилса, деган илинжимиз бор. (Я.Т.)

ДЎСТ ТАБАССУМИ

*Ҳамнишин биродарларим Миркомил Султон ва
Валерий Пановга камтарона бир таъриф*


Ёвнинг табассуми залворли келур!
Гарчи, кимдир мени, лоф урар, демиш.
Шоир саховатин тан олган Темур
Ўлимин эшитиб қайғурган эмиш.

Қадим сурат бордур, маълуму машҳур¹,
Мағзи ним табассум ичра яширин.
Ул ҳануз қуёшдай таратса-да нур,
Нўноқроқ тарихчи ахтарар сирин.

Намуна келтирай латифадан ҳам:
“Хотиржам бўлинг, ҳой, хуржунда думи,—
Афанди жилмаяр, харидор хуррам...”
Ҳа. Мудом дилпазир дуст табассуми!

Дўстона табассум ҳануз дилкушо,
Ҳануз нархи баланд самимиятнинг.
Саломингга алиқ олган кадхудо
Қадрига ҳам етгай яхши ниятнинг.

¹ Мона Лиза.



Лапанглаб кулади мамнун айиқлар,
Кулади силкитиб фил ҳам хартумин...
Боридан айрилган бир кимса йиғлар,
Бироқ, унутмас у дўст табассумин.

Оридан отилган баҳодир каби
Шоир нажот кутди дўсту ёридан.
Фақат бир жоначир инсон сақлади
Уни ёвузларнинг кирдикоридан.

У хонумонидан мосуво бўлди,
Йўқотди давлат-у шаън-у дилбарин.
Фақат битта инсон ўпкаси тўлди
Ва бир табассум-ла қайтарди барин.

Бу инсоннинг исми Миркомил Султон,
Доим пошшолардай кулиб юради.
У жуда меҳрибон, жуда қадрдон,
Жуда вазмин, аммо, тошқин юраги!

Оҳ, ҳазин дилимда кўпар зилзила,
Унинг бир камини бутлагим келди.
Шу шеър-у дўстона табассум ила,
Бугун мен ҳам уни қутлагим келди:

Ўзи бандам десин қодири ҳозиқ,
Файзиёб уйингиз нурларга тўлсин!
Эй улфатим надим, эй дўсти содиқ,
Туғилган кунингиз муборак бўлсин!!!

2005

ЖОМСЎЗ ЎРНИДА

Дустим Фазлиддинга

Йўлларинг чарогон
Бўлсин доимо,
Ёринг садоқатли,
Гўзал дилрабо.
Фарзандларинг бахтин
Кўргил илоҳо,
Навқирон Фазлиддин —
Бўлажак бобо!

Элни йўлга бошла
Кўтариб машғал,
Дўстлар содиқ қолсин
Сенга ҳар маҳал.
Елкангда порласин
Икки герб — зарҳал,
Генерал Фазлиддин —
Бўлажак маршал!!!

03.06.2006.

ЧАПАНИ ФАЛСАФА

— 1 —

Ота ўз улини...
Бир алдаса, изтироб чекар.
Тафти босилади... икки алдаса.
Уч алдаса... кўникиб кетар.

— 2 —

Ота ўз улини алдайверса, уят бўлади,
Эга ўз қулини алдайверса, кулфат бўлади.
Подшо ўз элини алдайверса, даҳшат бўлади,
Шоир ўз дилини алдайверса, шоир... ўлади.

— 3 —

Акангни алдама,
Алдама ҳамшира синглингни.
Меҳрибон опангни,
Эмчакдош укангни алдама.
Онангни алдама,
Отангни алдама, хўр бўласан.

Ватанни алдама, кўр бўласан!

1999

ЭСКИ МАҚОЛГА ШЎЪРОВИЙ ШАРҲ

Қаншарида қақшади қадоқ,
Омоч яғир бўлди ер тилиб.
Гулга кирди бўйнида “ямоқ”,
Ортада замин қолди “йиртилиб”.

Қозигига қонларму қусди,
Озуғида оғуми тўкис...
Фунажинлар кўзини сузди,
Арқонини узмади ҳўкиз.

1981

МАСТЛИКДАГИ ЖАЙДАРИ НАСАҲАТ И

(Ҳазил)

Нафсингга
Кул бўлиб
Сотма орингни.
Майли,
Сил чалароқ
Тўйдир қоринни.

Ҳаққа
етар эмиш
ҳаққидан қочган¹,
пул учун
паст кетма,
ўлмайсан очдан.

Бир пулга
Айланма
манфаат учун.
“100” та қуй
мана шу
маслаҳат учун.

2008

БАЛИҚЧИ

Тўхтасин тоғамга

Тўр торта-торта-торта
Толдингизми, тоғажон?
Сувдан бир дард орттириб
Олдингизми, тоғажон?

Қишу ёз “резин” этик
Ечилмагин оёқни

¹ “кечган”, бўлса керак?!

Бирор кун сандалга ҳам
Солдингизми? тоғажон?

Иш деб, сув кечиб юриб,
Боднинг юрагингизга
Уриб кетганин билмай
Қолдингизми, тоғажон?

Етар.
Елкани эзган
Арқон сизданам ортсин.
Бу тўрни энди, тоға,
Балиқ еганлар тортсин!

1984

* * *

Хайру эҳсон
Тилаб турган гадоға
Мен жонимни
Этайинму садоға?...

1991

МАРФИЛОН. 1983
АСКИЯ ВА КАТТА АШУЛА КЎРИК
ТАНЛОВИ

(“Ўхшатдим...” пайровига “пайраха”)

Баҳорим кузга ўхшайдур,
Йўқ, аямажузга ўхшар.
Шаккарим тузга ўхшайдур,
Новвотим ҳам музга ўхшар.

Чир айланар чархи даввор,
Чиримиш бу кўҳна девор.
На кўрғон бор, на кўрғондор,
Бу уй дала-тузга ўхшар.

Сал қўтир ва сал тулаган,
На ойтовоқ бу, на лаган?
Ҳайрон боқдим афтина ман:
Бизга ўхшар, бизга ўхшар.

Айтолмайман, оҳ отини,
Томга тирайман шотини:
Кўшнимнинг чўлоқ хотини
Қизга ўхшар, қизга ўхшар.

Эллиқдан сал ошди ёшим,
Осилиб қолди шўр бошим.
Тарозига қўйсам, тошим
Юзга ўхшар, юзга ўхшар.

1993.

ҚИРҚ ЙИЛЛИК ТАЪҚИБ

*Бирга қирққа чиққан ижодкор
биродарларимга бағишлайман*

1

Эй, яратган эгам,
ўзингсан огоҳ,
Бируборим,
кўриб, билиб турибсан.
Гоҳ мендан сўрашар,
Мен сўрайман гоҳ,
– Сен ўзи кимсан?

2

Ўзига маълумдир
ҳар кимнинг ҳоли.
агар-ки,
арслонсан,
ё вазмин филсан....
Этингни таталар минглаб чумоли –
“Сен ўзи кимсан?”

Бири расминг сўрар,
бири касбингни,
униси чалароқ,
буниси қисман...

На наслингни билдинг
ва на аслингни,
сен ўзи кимсан?

Ҳар ким
ўз дилининг якка қироли.
Гарчи,
сен валийсан,
тенгсиз олимсан...
Ёқангдан олади бекнинг қароли,
– Сен ўзи кимсан?

Нимадир йилтираб,
ялтираб кетди.
Кўзларим қамашди,
садафми, десам...
Бир итнинг тишлари
этимга ботди:
“Сен ўзи кимсан?”

Мен бугун
кимсага бермадим салом,
Бугун
Қозини ҳам қилмадим писанд.
Сичқоннинг инидан
учди бир калом:
–Сен ўзи кимсан?

Мен шафқат тилабми,
мурувватми ё,

чор-ночор
қўлимни узатиб турсам...
Чириллаб,
чирпираб айланди дунё —
“Сен ўзи кимсан?”

Мен бугун
бошимни бўйнимга осиб,
пурвиқор
дорнинг-да қошига келсам...
Ўзига
кўрмади ул ҳам муносиб:
“Сен ўзи кимсан?”

9

Қўлимда
энг кенжа умидим ўлар,
айт,
Рози бўларсан
мен нима қилсам?
Манглайимга...
тошдай теккандай бўлар
“Сен ўзи кимсан?”

10

Камина
Гадойдан садақа олди.
У

27

ҳиринглаб чақа узатди,
кулсам.

Тилим...

ганглайимга ёпишиб қолди:

“Сен ўзи кимсан?”

Хўп...

сенга ортиқча таъна қилмай ке,

кеча етим эдинг,

бугун ҳокимсан.

Барибир,

Қоринмас, қадр гамин е,

Сен ўзи кимсан?

12

Мен бугун

бир сенга кўнглимни ёрдим,

ахир сен,

қирқ йиллик қалин дўстимсан.

Лабингда...

истеҳзо ўйнади,

кўрдим:

“Сен ўзи кимсан?”

13

... Севгим,

сени топдим.

28

Кўкрагим, қувон!
Мен сени изласам,
сени соғинсам...
Ортимда...
қаргабми қолди бир жувон,
– ... Сен ўзи кимсан?

14

Ўғлим,
Энг бахтиёр ўн беш ёшингда
недан хомуш,
недан кўнгли яримсан?
Ёнғоқ чақмагандир ҳали
б о ш и н г д а
“Сен ўзи кимсан?”

Жон қизим,
шул сўзим ёдингда тургай,
даданг тақдиридан
Ш у н д о ғ а м х у р с а н д...
ҳали
Тўйларингда чирпирак ургай
“Сен ўзи кимсан?”

16

Тўй бу.
Тўлқин “този” раисга ўхшар,

29

гапирар...
алжирар...
Тўйхона тирбанд.
Дўқ урар
кимдир сўз сўраса агар,
– Сен ўзи кимсан?
Бу менинг “тарелкам”
Тошингни тер, бор...
Нақ каллам кетади,
Сенга сўз берсам...
– Ҳей,
тўй эгасидан “суяк” умидвор,
Сен ўзи кимсан?

Гоҳо масту-аласт,
Гоҳо сарҳушман...
ҳамшишам сўкинар,
– ... Мунчалар зилсан?!
Хушҳол
кўзларимга боқади душман:
“Сен ўзи кимсан?”

Ранггимдан қон қочди,
муштим қонталаш.
Қурбим...
шунга етди,
сўнгги зарбимсан.
Рақибим

арикқа ўқчир жонталаш...
“Сен ўзи кимсан?”

Жон талвасасида
биров қочди:
– Вой...
Бирга ичдик, чоғи,
шеригиммисан,
Ё анов беҳушнинг дўстимисан,
– Ҳой...
Сен ўзи кимсан?

21

Меҳрим...
шалолодай шовуллаб турсин.
Бугуним...
Эртансан...
Она ҳалқимсан!
Майли,
тилларингда ловуллаб турсин
“Сен ўзи кимсан?”

Маккам,
Мадинамсан...
Ота маконим...
Оғамсан...
Инимсан...
Она тилимсан!

31

Хонумоним маним,
Жону жаҳоним —
“Сен ўзи кимсан?”

23

Ким билсин,
бу, балки, сўнгги шеъримдир,
Эҳтимол...
ўзим ҳам қаламдай синсам...
Беписанд
Писанда айлади кимдир:
— Сен ўзи кимсан?

Узилгандай бўлар ичимда недир...
Ичимдаги “недир”,
сен нега жимсан?
Э...
Ўша “недир”ни
бўрига едир,
Сен ўзи кимсан?

37

Ёшларимни аргди,
ўзи...
кўзи нам,
учсам қанот бўлди,
йиқилсам малҳам...

32

Ҳа...

ҳа, сўрамади биргина онам:
“Сен ўзи кимсан?”

38

Юрагим...

Юрагим бўлади тақсим.

Қирққа бирга чиқдик,

онча тақсим — сан!

Кўзга чил-чил бўлар,

Саксонга аксим...

Сен ўзи кимсан?

Бир оташ

Бағримни ўртади чунон,

Мен ахир...

Мен ахир,

қанийди билсам?

Мен ўзим ҳалакман

қирқ йилдан буён:

“Сен ўзи кимсан?”

40

Кўнгил...

Пойгагида ястанган мангу

Нечук аждаҳосан,

Нечук тилимсан?

33

Мен кимдан сўрай:

– М Е Н...

Ў З И...

К И М М А Н - У...

С Е Н...

Ў З И...

К И М С А Н???

1997

ДАРД

Улкан кўкрагида одамнинг

Кичкина дарди бўлсин.

Жуда-а бўлмаганида

Отнинг калласидай.

Шу “калла” бир куни

Улкан қўшиқ бўлсин,

Жуда-а бўлмаганида

Онанинг алласидай.

1983

СУВЧИ

Унга раҳмат айтиб ўтирма,

Беҳуда бир шеър билан мақтаб...

Бир пиёла чой бергил унга,

Бир ёстиққа етгулик пахта.

Кўшиқ қўйиб бергин, эшитсин
Комилжоннинг “Дугоҳ”ларини.
Сўнг ёнига чўқкин-да секин,
Уқалаб қўй оёқларини.

1984

ИККИ ҚИЗ

Бахт ва қайғу –
Икки сулув қиз,
Икки ҳурилиқо.

Бири итдай садоқатли,
Бири бевафо.

1982

НЕ ТИЛАЙ?

Осмонга устун тилайму,
Шоҳга адолатму тилай?

Ошпичоққа қин тилайму,
Қулга шафоатму тилай?

Ҳовузга тилайму қопқоқ,
Бойга мурувватму тилай?

Кўрпага енг тилайму, ё
Йўқсилга давлатму тилай?..

1981

ИНСОННИНГ КЎНГЛИ

Карвонсарой эмас,
Кўналга эмас,
Қизил майдон эмас
Инсоннинг кўнгли.

Босқинни бас қилинг,
Топтамакни тўхтатинг энди,
Ўзбекистон эмас
Инсоннинг кўнгли.

1987

КУЗГИ ТУШ

Гулим,
Бугун сизни туш кўрдим,
Сал фаромуш,
Сал хомуш кўрдим.
Қошингизда тўртта полапон,
Бошингизда сақоқуш кўрдим.

—Бахт қушими? — дедим.
Кулдингиз.

Сувга бир тош тушгандай эди.
Чайқалгандай бўлди ул денгиз,
Кўзларингиз нимадир деди.

– Тушунмадим.
Бир синиқ кулгу
Лабингизда куртак боғлади.
Менинг кузим, баҳорим шул-ку,
Шовуллади кунгил боғлари.

(Дарахтлар “оҳ” тортиб юборди,
Дув тўкилди хотиралар, оҳ...
Ҳар япроқ – бир юракнинг дарди,
Ҳар дил шундан сувлар ичар гоҳ).

Севгимизнинг ёлғиз гувоҳи –
Тераклар жим шовуллайверди.
Хаёлингиз кетди улоқиб,
Яноғингиз ловуллайверди.

(Сувга боқиб, эсингиздами,
Туш айтардик биз шоша-пиша...
Бугун бошда дунёнинг ғами
Ва оила отлиғ андиша).

Йил санайди қайдадир какку,
Биз турибмиз лол-у паришон.
Орамиздан оқиб шунча сув,
Дийдорлашди висол ва ҳижрон.

Қуш юракда йиғлайди сурнай
Дўсту-душман бағрини ёқиб —
Ул тераклар кесилмагандай,
Кетмагандай ул сувлар оқиб.

2002

АВТОПОРТРЕТ

Жаҳлим бор, шиддатим йўқ,
Ақлим бор, давлатим йўқ.
Қаҳрим бор, қудратим йўқ,
Меҳрим бор, ғайратим йўқ.

АВТОПАРОДИЯ

Устунимнинг пути йўқ,
Чойнагимнинг бути йўқ.
Сигиримнинг сути йўқ,
Ҳамёнимнинг қути йўқ.

Хўрозларим уқувсиз,
Товуқларим тухумсиз.
Болаларим боқувсиз,
Шеърларим ҳам ёқимсиз.

1987

МУНДАРИЖА

Хумо нидоси	3
Фахриёна	4
Жаннатга йўл	6
Аскар укам	8
Дадам ҳақида қасида	9
Шаклбознинг шубҳали шеъри	15
Бир соатлик халифа	16
Дўст табассуми	17
Жомсўз ўрнида	19
Чапани фалсафа	20
Эски мақолга шўъровий шарҳ	21
Мастликдаги жайдари насиҳат	21
Балиқчи	22
Хайру-эҳсон	23
Марғилон. 1983	24
Қирқ йиллик таъқиб	25
Дард	34
Икки қиз	34
Сувчи	35
Не тилай	35
Инсоннинг кўнгли	36
Кузги туш	36
Автопортрет	38
Автопародия	38

ЯҲЁ ТОҒА
ФАҲРИЁНА

Муҳаррир А. Сувонов
Мусаввир А. Алмаева
Саҳифаловчи С. Пулатов

Босишга рухсат этилди 11.06.2009 й. Бичими 60x84 ¹/₁₆.
Босма табағи 2,5. Адади 100 нусха.

«Истиқлол нашриёти». Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30.

ХТ «Раззоқов О.Д.» босмахонасида чоп этилди. Навоий
кўчаси, 30. Буюртма № 229.